



ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК ЛОЙИХАЛАРИ ТАҲЛИЛИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Тоҳиров Жаҳонгир Маҳмуджон ўғли

Наманган Мухандислик технология институти
 "Иқтисодиёт" кафедраси, таянч докторанти
 email: jahongir_tohirov@inbox.ru

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1
 Issue: 8
 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss8/a13

ABSTRACT

Ушбу мақоланинг мақсади Ўзбекистонда амалга оширилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини таҳлили баён қилинган бўлиб, унда мамлакатимизда охириги йилларда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари соҳалар кесимидаги, хусусан энергетика, коммунал хизматлар, транспорт, соғлиқни сақлаш, сув хўжалиги, экология, таълим, хунармандчилик саноати, маданият, солиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларидаги лойиҳаларни тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган давлат-хусусий шериклик муносабатлари ёритиб берилган. Шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш мақсадида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга ошириш билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган

"давлат-хусусий шериклик", "тадбиркорлик фаолияти", "соғлиқни сақлаш", "энергетика", "инвестиция лойиҳаси", "давлат харидлари", "ҳалқаро молиявий ташиқлотлар".

KEYWORDS

Кирриш (Introduction/Введение).

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) ижтимоий ва инфратузилмавий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг ҳуқуқий воситаси сифатида Ўзбекистон учун нисбатан янги восита ҳисобланади. Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик тушунчаси илк бор қонунчилик даражасида 2018-йил 5-апрелдаги ПҚ-3651-сонли Мақтабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низом билан киритилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси даражасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини харид қилиш тартиб-таомилларини тартибга солишга қаратилган бир қатор меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, давлат хизматлари, музейлар ва театрлар соҳаларини ижтимоий ва иқтисодий ривожлаштириш мақсадида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) жараёнини риволантириш бугунги кунни талабларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан, мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик соҳани илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ қилишни тақозо этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review/Литературный обзор). Бруно С. Сержининг тадқиқотида кўра: Давлат-хусусий шериклик (ДХШ), давлат ва хусусий шериклар ресурсларини узоқ муддатли бирлаштириш, рисклар, масъулият ва натижаларни бўлишиш кўплаб мамлакатларда давлат инфратузилмасини ривожлантиришда қўлланиладиган муваффақиятли воситадир. Хусусан, давлат-хусусий шериклик ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда давлат ва хусусий секторнинг оптимал ҳамкорлиги эканлиги таъкидлайди. Шунингдек, тадқиқотида давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришнинг ривожланиш қонуниятларини, жумладан, унинг самарадорлигини очиб беради. Бу эса, ўз навбатида эса,

сиёсатчиларга соҳада мақбул давлат сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланиш имконини беради. Илмий ишланишда Россияда давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришнинг оралик натижаларини баҳолаш учун чет элдаги ДХШнинг қиёсий таҳлили келтирилган. Ривожланган давлатлар ҳисобланган Канада, Франция, Буюк Британияларнинг давлат-хусусий шериклик инфратузилма мажмуасини ривожлантиришнинг иқтисодий модели сифатида ўзининг ҳаётлигини исботлади ва ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга сезиларли ҳисса қўшмоқда. Тўғридан-тўғри иқтисодий таъсирлардан ташқари, давлат-хусусий шериклик билвосита таъсир кўрсатиши, жумладан, институционал ривожланишга ижобий таъсир кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Россия ва етакчи хорижий мамлакатларда давлат-хусусий шериклигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларга, муаллиф томонидан таклиф этилган давлат-хусусий шериклигининг стратегик моделига, шунингдек, давлат-хусусий шериклик бўйича кенгрок хорижий тажрибага таянган ҳолда, мақолада ундан самарали фойдаланишга қаратилган тавсиялар берилган. Давлат ва шахслар ўртасидаги ҳамкорлиқнинг ушбу шаклини ривожлантириш ва унинг Россиянинг иқтисодий ривожланишидаги ролини ошириш орқали тақдим этиладиган имкониятлар кўрсатиб берилган [1].

Клелия Якоминининг илмий изланишида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) модели хусусий субъектлар ва давлат сектори ўртасидаги муносабатларни расмийлаштиришнинг энг кенг тарқалган воситаларидан биридир. Давлат-хусусий шериклиқнинг ягона ёки оддий таърифи йўқ, чунки ушбу атама турли турдаги шартномалар ёки етказиб беришнинг бошқа моделларини қамраб олади. Давлат-хусусий шериклик асосий лойиҳа ёки хизматни тақдим этиш мақсадида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳар қандай бирлашма ёки ҳамкорлик шакли учун ишлатилади [2]. Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Марина Машенкони

тадқиқотига кўра: “давлат-хусусий шериклик (ДХШ) тадбиркорликни ривожлантириш, кулай ишбилармонлик муҳитини қўллаб-қувватлаш, инфратузилма лойиҳаларини жадаллаштириш ва ҳукумат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга” деб таъкидлаган [3]. Шунингдек, Мария Ильина тадқиқотида кўра, давлат-хусусий шериклик - бу ўсиш имконияти чекланган ҳудудларда инфратузилма, ижтимоий хизматлар ва иқтисодий фаолиятни яхшилаш орқали кишлоқ тараққиётини ошириш учун давлат ва бизнес ҳамкорлиги механизми ҳисобланади. Шунингдек, тадқиқоти натижасида кишлоқ жойларда давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш механизми такомиллаштириш ва кишлоқ тараққиётини яхшилаш бўйича асосий қадамларни таклиф қилади [4].

Хорижлик иқтисодчи олимлардан Скотт Э, Грасман, Хавьер, Фаулин, Фернандо, Лера-Лопеслар илмий ишларида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) транспорт лойиҳалари, шифохоналар, мактаблар ва жамоат ишлари объектилари каби йирик инфратузилмани ривожлантиришни молиялаштириш механизмида. Бундан ташқари, давлат-хусусий шерикликнинг афзалликлари муҳандислик менежменти соҳасида ҳам кенг тарқалган. Энг муҳими, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини янада самарали бошқариш, рискларни моҳирона қамайтириш ва технологик инновацияларни яхшилаш имконини беради. Уларнинг тадқиқотида давлат-хусусий шерикликнинг одатий жараёнининг умумий тавсифи ва ушбу жараёндан давлат секторидида технологияларни бошқаришни такомиллаштиришда қандай фойдаланиш мумкинлиги келтирилган [5].

Жумладан, Сандра, Крталич, Мауро, Келебудаларнинг тадқиқотида кўра: “давлат-хусусий шериклик давлат органлари ва хусусий сектор ўртасидаги давлатнинг товарлари ва хизматларини тақдим этишда янада самаралироқ бўлиш йўлидаги ҳамкорликни ифодалайди. У инфратузилма қурилиши, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт каби кўплаб соҳалардаги лойиҳаларни амалга оширишда қўлланилиши мумкин, бироқ бу лойиҳаларни амалга оширишда, давлат товарлари ва хизматларини кўрсатишда ушбу восита ҳалигача энг юқори чегарада эмаслигини кўрсатган. Шунингдек, уларни назарда иқтисодий фаровонликни рағбатлантиришда давлат-хусусий шериклик тизимининг ўрни ниҳоятда муҳим бўлса-да, йўл инфратузилмасини ривожлантириш бунинг асосий шартидир ва айниқса, бу соҳада давлат-хусусий шериклик энг кўп қўлланилади. Ушбу тадқиқотнинг мақсади давлат-хусусий шериклик тушунчасини, лойиҳаларни молиялаштиришнинг айнан шу моделига бўлган эҳтиёжни, давлат-хусусий шерикликни амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари қайсылар ва хусусий тадбиркорликни танлаш жараёнини қандай амалга ошириш мумкинлигини тушунтиришдан иборат. ҳамкор. Бир қатор мамлакатларда давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш таҳлилига эътибор қаратилади ва ушбу таҳлил асосида тадқиқотчилар давлат-хусусий шерикликнинг роли, унинг имкониятлари ва чекловлари ҳақида тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилади [6].

Горан Амович тадқиқотида давлат секторининг анъанавий ролини ислоҳ қилиш, янги давлат бошқарувини қабул қилиш ва давлат инвестицияларини молиялаштиришда давлат-хусусий шериклик моделини жорий этиш таҳлил қилинади. Янги давлат инфратузилмасини куриш зарурати ва чекланган бюджет имкониятлари ўртасидаги тафовут давлат секторининг янги ролини, янгиша ёндашув ва янги стратегияларни талаб қилади. Фискал чекловлар шароитида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) давлат инвестицияларининг янада самарали амалга оширилишини таъминлайди - тезроқ курилиш, арзонроқ харажатлар, оптимал рискларни тақсимлаш, самаралироқ бошқарув, давлат хизматини яхшилаш ва бошқарув ҳисобланади. Янги давлат бошқарувини ўрганиш асосида давлат-хусусий шериклик моделни қўллаш имкониятларини кўрсатиш ва давлат хизматларини кўрсатиш ва давлат инфратузилмасини таъминлашда давлат секторининг янги ролини аниқлашдан иборат. Хусусан, Сербия Республикаси ва Хорватия Республикасида давлат-хусусий шериклик моделини қабул қилиш ва қўллаш бўйича тадқиқотни тақдим этади [7]. Хорижлик тадқиқотчилар Марио, Руй, Силва, Эрмано, Родригеслар илмий ишларида кўра, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) бозордаги муваффақиятсизликларни бартараф этиш, стратегик хизматларни тақдим этиш ва давлат ва хусусий сектор ўртасидаги

мувофиқлаштиришни кучайтириш орқали жамоавий тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам беради [8].

Жумладан, Роджер Веттенхолл фикрича, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) давлат секторини бошқаришда оммабоп тушунча бўлиб, у давлат ва хусусий тузилмалар ўртасидаги ҳамкорликнинг турли шакллари ўз ичига олади, жамият манфаатларини химоя қилган ҳолда умумий мақсадларга эришишга қаратилган [9]. Шунингдек, СО, Олатунджи., Тимоти, Олуватосин, Олавуи, Д.Р, Огунсемилар тадқиқотида кўра: “давлат-хусусий шериклик (ДХШ), давлат инфратузилмасини қўллаб-қувватловчи хусусий тадбиркорларни ўз ичига олади. Улар биргаликда масъулият ва рискларни бошқариш орқали инфратузилмани ривожлантиришга фойда келтирадиган қўшма корхоналар ва имтиёзлар шаклида бўлиши мумкин [10].

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Методы). Тадқиқотни амалга оширишда қўйилган мақсадларни амалга оширишда мантқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш, иқтисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва қиёсий таққослаш усулларида самарали фойдаланилди.

Олинган натижалар (Results/Результаты). Олиб борилган таҳлиллар натижасида Ўзбекистон давлат-хусусий шерикликда амалга оширилган ишлар ва охириги йилларда амалга оширилган давлат-хусусий шерикликда 2019-2022 йилларда амалга оширилган давлат-хусусий шериклик лойиҳалар таҳлил қилиниб, мамлакатимизда давлат-хусусий шерикликда лойиҳаларини амалга оширишда тўсик бўлаётган ҳолатларни аниқланган ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тафсиялар шакллантирилган

Таҳлиллар (Analysis/Анализ). Дунёдаги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида замонавий инфратузилма асосий ўрин тутди. Мамлакатлараро таққослашлар шуни кўрсатадики, аҳоли жон бошига инфратузилма имкониятларининг ўртача 1 фоизга ўсиши аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг ҳам ўсиши шунга боғлиқ ҳисобланади. Шу боисдан, мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши уларнинг инфратузилмани мутаносиб ривожланиши билан боғлиқ бўлади. Шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилиш бугунги кунда энг асосий масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда сармоя жалб этиш, мамлакат инфратузилмасини ривожлантириш ва иқтисодий самарадорликни оширишда қўлланилиши мумкин бўлган давлат-хусусий шериклик амалиётини шакллантиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Давлат-хусусий шериклик асосидаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва лойиҳалар қўламини кенгайтириш ва бундай лойиҳаларни самарали амалга ошириш зарур ҳисобланади. Жумладан, давлат-хусусий шериклик иқтисодиётнинг устувор йўналишлари бўйича бюджет харажатларини қисқартириш, инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда хусусий инвестицияларни жалб этиш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишда асосий восита сифатида муҳим ўрин тутди.

Хусусан, Ўзбекистонда жуда зарур бўлган инфратузилма лойиҳаларига сармоя киритиш учун ресурслар чекланган. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун капитални жалб қилишда давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилиши мамлакат бизнес муҳити ва турмуш шароитини яхшилаш билан бирга йирик инфратузилма лойиҳаларини ривожлантиришни рағбатлантиришга олиб келинади. Мамлакатимизда охириги йилларда тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш мақсадида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилди.

1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, энергетика соҳасида 8 та, соғлиқни сақлаш соҳасида 20 та, сув хўжалиги соҳасида 52 та, экология соҳасида 53 та, таълим соҳасида 48 та, маданият соҳасида 24 та, бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасида 2 та, транспорт, коммунал хизматлар, солиқ, хунармандчилик саноати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида 1 тадан ДХШ лойиҳалари амалга оширилган. Жумладан, ДХШ тўғрисидаги битим имзоланган лойиҳалар сони 174 та бўлиб, шунингдек, 2022 йил давомида 49 та ДХШ тўғрисидаги битимлар келишиб берилди ва йил давомида 174 та ДХШ лойиҳалари реестрга киритилди.

2022 йилда ДХШ лойиҳалари бажарилишининг бориши, лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш бўйича 282

Maxsus son 2024

1-жадвал

2022 йил давомида амалга оширилган ДХШ лойиҳалари

Соҳалар кесимида	ДХШ битими имзоланган лойиҳалар	
	Лойиҳалар сони	Умумий қиймати (млн.доллар)
Энергетика	1	1 300,00
Коммунал хизматлар	1	96,00
Транспорт	1	0,08
Соғлиқни сақлаш	16	12,67
Сув хўжалиги	52	2,28
Экология	43	61,11
Таълим	36	79,91
Хунармандчилик sanoati	1	0,04
Маданият	19	5,81
Солиқ	1	0,02
Хуқуқни муҳофаза қилуш	1	0,75
Бандлик ва Меҳнат муносабатлари	2	0,31
Жами	174	1 559,00

та ДХШ лойиҳаларида мониторинг тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, 2022 йил давомида давлат-хусусий шериклик асосида энергетика соҳасида умумий қиймати 4,2 млрд.доллардан ортиқ бўлган жами 8 та давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳалари бўйича ишлар ташкил этилди. Жумладан, 1 та лойиҳа бўйича битим имзоланди, 2 та ДХШ лойиҳаси бўйича тўғридан-тўғри музокаралар олиб борилди ва яна 3 та ДХШ лойиҳаси бўйича тендер жараёнлари якунланиб, голиблар эълон қилинган бўлиб, жами 5 та ДХШ лойиҳаси битим имзоланди ҳамда 2 та лойиҳа бўйича тендер савдолар амалга оширилди.

Жумладан, халқаро молия корпорацияси кўмагида Сирдарё вилояти Ширин шаҳрида 1600 МВт қувватга эга иссиқлик электр станциясини қуриш лойиҳаси бўйича тендер голиби бўлган "EDF" (Франция), "Nebras Power" (Қатар) ва "Sojitz Corporation" (Япония) компаниялари консорциуми билан инвестиция битими 2022 йил 25 март куни имзоланган. Мазкур лойиҳа қиймати – 1,3 млрд АҚШ доллари; 1 кВт электр тарифи – 0,63 цент долл.; лойиҳа муддати 25 йилни ўз ичига олади.

Шунингдек, "Навоийазот" АЖ негизда давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган кимё-технологик кластери учун иссиқлик ва қуёш электр станцияларини барпо этиш лойиҳаси бўйича хусусий шерик сифатида "Electricite de France S.A." (Франция), "Stone city InSolar B.V." (Нидерландия) ва "Siemens energy global GmbH&Co.KG" (Германия) компаниялари билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилди ва хусусий шерик томонидан лойиҳа концепцияси ва лойиҳани баҳолаш ҳужжати (ЛБХ) ишлаб чиқилди ва лойиҳа қиймати 900 млн АҚШ доллари бўлган 25 йиллик лойиҳа амалга оширилди.

Бундан ташқари, тошкент шаҳар иссиқлик марказларини когенерацион технологияларини жорий этиш орқали давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш лойиҳаси бўйича Нидерландиянинг "Stone city energy II B.V." компанияси билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб борилди ва "Stone city energy II B.V." компанияси томонидан лойиҳа концепцияси ишлаб чиқилди ва лойиҳа қиймати 1 млрд АҚШ доллар бўлган 25 йил муттадаги лойиҳа амалга оширилган.

2022 йилда халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликдаги Бухоро вилояти Олот туманида 250 МВт қувватга эга қуёш фото электр станциясини қуриш лойиҳаси бўйича тендер жараёнлари якунланиб, БААнинг "Masdar" компанияси 1 кВт электр тарифи учун 3,044 цент доллар таклиф билан голиб деб топилди. Ҳозирги кунда ДХШ битимини расмийлаштириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа Ўзбекистонда биринчи марта қуввати 62 МВтлик энергия сақлаш батареяси билан амалга оширилади. Лойиҳанинг дастлабки қиймати 350 млн АҚШ доллар лойиҳа муддати 25 йил ҳисобланади.

2022 йилда халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликдаги Хоразм вилояти Хозарасп туманида 100 МВт қувватга эга қуёш фото электр станциясини қуриш лойиҳаси бўйича бўйича тендер жараёнлари якунланиб, Франциянинг "Volitalia" компанияси 1 кВт электр тарифи учун 2,888 цент доллар таклиф билан голиб деб топилди. Ҳозирги кунда ДХШ битимини расмийлаштириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Лойиҳанинг дастлабки қиймати 100 млн АҚШ доллар ва лойиҳа муддати 25 йил ҳисобланади.

Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликдаги Наманган вилояти Поп туманида 150 МВт қувватга эга қуёш фото электр станциясини қуриш лойиҳаси бўйича бўйича тендер жараёнлари

якунланиб, GD Power – Powerchina" консорциуми (Хитой) 1 кВт электр тарифи учун 4,828 цент доллар таклиф билан голиб деб топилди. Ҳозирги кунда ДХШ битимини расмийлаштириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Шунингдек, лойиҳанинг дастлабки қиймати 150 млн АҚШ доллар ва лойиҳа муддати 25 йил амал қилинади.

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги Қашқадарё вилояти Гузор туманида 300 МВт қувватга эга қуёш фото электр станциясини қуриш лойиҳаси бўйича тендернинг (талабларга мувофиқлик сўрови - RFQ) биринчи босқичи якунланди ва келиб тушган 12 та аризадан 8 таси минимал шартларга жавоб берганлиги ва улар тендернинг 2-босқичига ўтганлиги эълон қилинди. Тендернинг 2-босқичи жорий йил 3 декабрь куни эълон қилинди ва 3 ой давомида таклифлар қабул қилинди. Лойиҳанинг дастлабки қиймати 210 млн АҚШ доллар ва лойиҳа муддати 25 йил ҳисобланади.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги Қорақалпоғистон Республикасида 200 МВт қувватга эга шамол электр станциясини қуриш лойиҳаси бўйича тендернинг (талабларга мувофиқлик сўрови - RFQ) биринчи босқичи 2022 йил 1 апрелда эълон қилинган ва 2022 йил 15 июлда якунланди. Тендер комиссияси томонидан таклифлар баҳолашиб, тендернинг 1-босқичидан 10 та компаниялар ўтганлиги эълон қилинди. Ҳозирги кунда тендернинг 2-босқичи эълон қилиниши кутилмоқда Лойиҳанинг дастлабки қиймати 218 млн АҚШ доллари ва лойиҳа муддати 25 йил амал қилади.

Транспорт соҳасида 2022 йил давомида 6 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилган бўлиб, шундан 1 та лойиҳа бўйича ДХШ битими имзоланган. Жумладан, тошкент шаҳрининг 10та кўчасида ДХШ асосида автомобилнинг йўл бўйи пуллик тўхташ жойлар тизимини яратиш лойиҳаси бўйича "Kasy Park" МЧЖ билан ДХШ тўғрисидаги битим имзоланди ва лойиҳа 2022 йил 22 август куни реестрга олинди. Шунинг лойиҳа қиймати 0,08 млн АҚШ доллар ва лойиҳа муддати 10 йил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт ва Молия вазирлиги хузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш лойиҳа томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан бигаликда 2019-2021 йилларда жами 121 та давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳалари бўйича, жумладан энергетика соҳасида 4 та, коммунал соҳасида 7 та, транспорт соҳасида 6 та, соғлиқни сақлаш соҳасида 23 та, сув хўжалиги соҳасида 20 та, экология соҳасида 30 та, таълим соҳасида 28 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 1 та, ахборот технологиялари соҳасида 1 та ва спорт соҳасида 1 та, яъни умумий қиймати 1,8 млрд. АҚШ доллари билан ортиқ бўлган лойиҳалар устида ишлар олиб борилган (1-расм).

1-расм

2019-2022 йил давомида амалга оширилган ДХШ лойиҳалари



1-расм маълумотлари шуни кўрсатадики, 2019-2021 йилларда ДХШ тўғрисидаги битими имзоланган лойиҳалар сони 64 та, ДХШ тўғрисидаги битими имзоланиш арафасида бўлган лойиҳалар сони 10 та, тендер босқичида бўлган лойиҳалар сони 4 та ва лойиҳаолди ҳужжатлари тайёрланиш ва ўрганиш жараёнидаги лойиҳалар сони 43 тани ташкил этади. Шунингдек, ДХШ битими имзоланиб реестрга киритилган барча лойиҳаларнинг сони 64 тани ташкил қилади. Шундан 2020 йилда 51 та лойиҳа ва 2021 йилда 13 та лойиҳа бўйича битим имзоланиб Агентлик томонидан реестрга киритилган. Жумладан, йирик ва ўрта ҳажмдаги 1 млн. АҚШ доллари билан ортиқ

Maxsus son 2024

бўлган лойиҳалар 11 та ва кичик ҳажмдаги 1 млн. АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар 53 тани ташкил қилади.

Жумладан, энергетика соҳасида 4 та ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилган. Қорақалпоғистон Республикасида 100 МВт шамол электр станциясини қуриш амалга оширилган. Мазкур лойиҳа Европа тараққиёт ва тикланиш банки кўмағида бўлиб, лойиҳа қиймати 100-200 млн. АҚШ доллар ҳисобланади.

Натижалар интерпретацияси (Discussion/Обсуждение).

Ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида қуйидаги саволлар пайдо бўлди ва уларга қуйидагича жавоблар шаклланди: Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик соҳасининг ривожланганлик, унинг давлат бюджетини соҳлар бўйича харажатларни қай даражада таъсирини аниқлаш? Давлат-хусусий шериклик соҳасида амалга оширилган лойиҳаларни соҳалар бўйича амалга оширилганлигини йиллар кесимида қандай бўлганлиги? Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини йиллик ўсишнинг даражасига қандай ҳолатлар салбий таъсир кўрсатмоқда? Йиллик ўсишни ошириш учун нималар қилиш керак? Мазкур

тадқиқотни амалга ошириш давомида ушбу саволларга асосли жавоблар шакллантирилди.

Мақола бўйича хулоса ва тақлифлар (Conclusions/Заключения)

Юқорида амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик муносабатларини жорий этиш муҳим ва долзарб муаммодир. Хусусий корхоналарнинг ресурслари, уларнинг тажрибаси, рағбатлантириши ва бошқа афзалликлари ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмани модернизация қилишни тез суръатда рағбатлантиришни, бу билан бюджетни оғир операцион харажатлар ва давлат қарзини сезиларли даражада оширишни таъминламайди. Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик муносабатларини давлат харажатларини камайтиришга шунингдек, тадбиркорлик субъектларини ошишига ва рағбатлантиришга олиб келаётган муносабалар ҳисобланди.

References:

1. Bednyakov, A. S. (2022). Public-private partnership as a model of public infrastructure development. *MGIMO Review of International Relations*, 15(1), 143-176.
2. Iacomino, C., & Iacomino, C. (2019). Commercial contributions and public-private partnerships. *Commercial Space Exploration: Potential Contributions of Private Actors to Space Exploration Programmes*, 75-88.
3. Машченко, М. А., Шапран, С. М., & Петрухнов, О. В. (2023). Державно-приватне партнерство як каталізатор розвитку підприємництва: взаємовигідна співпраця для економічного зростання.
4. Mariia, Iliina., Yulia, Shpyliova. (2019). Public-private partnership as the mechanism of the rural territories' development. 20-26. doi: 10.37100/2616-7689/2019/6(25)/3
5. Scott, E., Grasmann, Javier, Faulin., Fernando, Lera-López. (2008). Public-Private Partnerships for technology growth in the public sector. 1-4. doi: 10.1109/ИЕМСЕ.2008.4617989
6. Sandra, Krtalić., Mauro, Kelebuda. (2010). The role of the public-private partnership in providing of public goods: possibilities and constraints.
7. Goran, Amović. (2019). Public-private partnership: A new role of public sector in financing public investments. 12(2):25-44. doi: 10.5937/ETP190225A
8. Mário, Rui, Silva., Hermano, Rodrigues. (2005). Public-Private Partnerships and the Promotion of Collective Entrepreneurship. *Research Papers in Economics*,
9. Roger, Wettenhall. (2003). The Rhetoric and Reality of Public-Private Partnerships. *Public Organization Review*, 3(1):77-107. doi: 10.1023/A:1023000128175
10. SO, Olatunji., Timothy, Oluwatosin, Olawumi., D.R., Ogunsemi. (2016). Demystifying Issues Regarding Public Private Partnerships (PPP). *Journal of economics and sustainable development*, 7(11):21-33.

..